

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

«Иссиқлик электр станциялари» АЖ

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари



Б.И. Жураев

202      й.

“Sirdaryo IES”, “Toshkent IES” лари ва “Farg‘она ИЕМ”га  
етказиб бериладиган нефт маҳсулотларини декларациялаш,  
товарни божхона расмийлаштируви ва божхона ҳужжатларини  
расмийлаштириш учун хизмат кўрсатиш бўйича

## **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

---

Буюртмачи: «Иссиқлик электр станциялари» АЖ

**Тошкент-2022**

## **Мундарижа**

<b>1. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА.....</b>	<b>3</b>
1. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА БОШЛАНГИЧ НАРХ	3
2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИСИ.....	3
3. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ.....	3
4. ТАКЛИФ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ.....	4
5. ТАКЛИФ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ .....	4
6. ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ.....	4
7. ТАКЛИФЛАРНИ МЕЗОНЛАР АСОСИДА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ .....	5
8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА МАХФИЙЛИККА РИОЯ ҚИЛИНИШИ	6
9. БОШҚА ШАРТЛАР .....	6
10. ШАРТНОМА ТУЗИШ .....	6
<i>Иштирокчилар ва танлаши таклифларини малака баҳолаши тартиби ва мезонлари.</i>	7
<b>2. НАРХ ҚИСМИ .....</b>	<b>8</b>

# **1. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу харид қилиш хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сон Қонуни (бундан бўён – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори иловасининг «Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган..

## **1. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА БОШЛАНГИЧ НАРХ**

1.1. Танлаш предмети: “Sirdaryo IES”, “Toshkent IES” лари ва “Farg‘ona IEM”га етказиб бериладиган нефт маҳсулотларини декларациялаш, товарни божхона расмийлаштируви ва божхона хужжатларини расмийлаштириш учун хизмат кўрсатиши.

1.2. Бошлангич нарх: **7 069 389 667 (Етти миллиард олтмиш тўққиз миллион уч юз саксон тўққиз минг олти юз олтмиш етти) сўм ҚҚС билан.** Таклифда кўрсатилган нархлар бошлангич нархидан ошмаслиги керак.

1.3. Харид қилинадиган товарлар (хизматлар, ишлар) учун техник топшириқ танлаш хужжатининг техник қисмida келтирилган.

## **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИСИ**

2.1. Энг яхши таклифларни танлашнинг (бундан бўён – Танлаш) Буюртмачиси “Иссиқлик электр станциялари” АЖ (бундан бўён – Буюртмачи) ҳисобланади. Буюртмачининг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 23 уй.

2.2. Ишчи орган: “Иссиқлик электр станциялари” АЖ харид комиссияси қўйидаги манзилда жойлашган: 100097, Республика Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 23 уй.

2.3. Шартнома эгаси: «Иссиқлик электр станциялари» АЖ.

2.4. Танлаш, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ томонидан ташкил қилинган харид комиссиясининг энг камида беш аъзоси билан ўтказлади.

## **3. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танлашда Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахслар, ушбу хужжатда кўрсатилган шартларни бажарган (ушбу харид қилиш хужжатларининг 3.2-бандида санаб ўтилган шахслар бундан мустасно), шунингдек шу каби товарни (ишлар, хизматлар) етказиб бериш тажрибасига эга бўлганлар иштирок этишлари мумкин.

3.2. Қўйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этиш учун **руҳсат берилмайди**:

- зарур хужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳамамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган;
- соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларга эга бўлган;
- харид қилиш хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган малака хужжатларини тақдим этган.

3.3. Мажбурий хужжатлардан ташқари, иштирокчи ўзининг молиявий аҳволи, обрўси, иш тажрибаси ва бошқаларни акс эттирувчи қўшимча маълумот хужжатларини тақдим этиш ҳуқуқига эга. Қўшимча хужжатларни тақдим этмаслик иштирокчини дисквалификация қилиш учун сабаб бўлиши мумкин эмас.

3.4. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли:

- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

- иштирокчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигини бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

#### **4. ТАКЛИФ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

4.1. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи:

-[www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) махсус ахборот порталида жойлаштирилган энг яхши таклифларни танлаш талаблари билан танишиш учун харид ҳужжатлари юклаб олиши керак;

-қонунчилик ва харид қилиш ҳужжатлари талаблари ва муддатларига мувофиқ таклифини тақдим этиши шарт;

4.2. Порталда эълон қилинган энг яхши таклифни танлашда иштирокчилар ўз таклифларини белгиланган тартибда юклайдилар.

4.3. Таклиф ва у билан боғлиқ бўлган иштирокчи ва Буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча ёзишмалар ва ҳужжатлар, давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда бўлиши керак. Таклиф унга рус ёки ўзбек тилидаги таржимаси илова қилинган ҳолда бошқа тилда бўлиши мумкин. Таклиф матнида номувофиқликлар юзага келганда, бирдан ортиқ тил ишлатилганда, ўзбек ёки рус тиллари устунлик қиласи. Техник ҳужжатларни инглиз тилида тақдим этилишига рухсат берилади.

4.4. Таклиф электрон шаклда тақдим этилади (рангли шаклда иштирокчининг имзоси ва муҳри билан).

4.5. Таклифлар аукцион бошланган кундан бошлаб [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) порталда кўрсатилган санагача электрон шаклда тақдим этилади

4.6. Энг яхши таклифни танлаш иштирокчилари таклифининг амал қилиш муддати таклифлар тақдим этилган кундан бошлаб камида 60 кун бўлиши керак.

#### **5. ТАКЛИФ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Агар зарур бўлса, буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш иштирокчиларига ўз таклифларининг ҳақиқийлигини Харид комиссиясининг қарори билан маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

5.2. Таклифни тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталида жойлаштирилади ва зарур ҳолларда буюртмачининг веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

#### **6. ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ**

6.1. Зарурат бўлганда, буюртмачи харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.2. Таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишининг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади.

6.3. Товар (иш, хизмат) номи ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.4. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

#### **7. ТАКЛИФЛАРНИ МЕЗОНЛАР АСОСИДА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

7.1. Эълонда танлов ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақт, энг яхши таклифни танлашда харид комиссияси иштирокчилар томонидан тақдим этилган таклифларни юклаб олиш ва кўриб чиқиш учун.

7.2. Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар тақдим этишнинг охирги муддати тугаган кундан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.

7.3. Таклифлар кўриб чиқиш вақтида барча хужжатларнинг мавжудлиги, намуналар ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Талаб қилинган хужжатлар бўлмаган тақдирда, танлаш бўйича харид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолашга йўл қўймасликка хақли.

7.4. Харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳолайди.

7.5. Агар танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатларда келтирилган маълумотлар ишончсиз деб топилган бўлса, Харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақлидир.

7.6. Таклифни баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш мезонлари мазкур танлаш хужжатида кўрсатилган мезонлар асосида амалга оширилади (2-илова).

7.7. Таклиф амалдаги Конун ва харид қилиш хужжатлари талабларига жавоб берадиган бўлса, тўғри расмийлаштирилган деб тан олинади.

7.8. Агар таклифни тақдим этган иштирокчи амалдаги конунда белгиланган талабларга ва харид қилиш хужжатлари талабларига жавоб бермаса Харид комиссияси уни рад этади.

7.9. Таклифни баҳолаш жараёнида буюртмачи танлов иштирокчиларидан уларнинг таклифлари ҳақида тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу тартиб расман, ёзма равишда белгиланган тартибида танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклиф моҳиятида, шунингдек нархда ҳеч қандай ўзгаришларга йўл қўйилмайди.

7.10. Агар танлаш шартларига кўра танлаш иштирокчилари турли валюталарда таклифлар киритган бўлсалар, баҳолаш давомида таклифлар суммалари маҳсус ахборот порталида эълон қилинган санадаги (лотнинг бошланиш санаси) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ягона валютада ҳисобланади.

7.11. Харид қилиш хужжатларида ва таклифларда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

7.12. Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, харид комиссияси танлаш иштирокчисини хабардор қилган ҳолда, харид таклифини рад этиш ёки уни кўриб чиқиш учун бошқа шартларни аниқлаш ҳуқуқига эга.

7.13. Хорижий ва маҳаллий Танлов иштирокчилари нархларини тўғри таққослаш учун баҳолашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисобга олинади. Бундан ташқари, агар бошлангич нархи хорижий валютада кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисобга олинган ҳолда ҳам қайта ҳисоблаб чиқилади.

7.14. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари баҳолаш баённомасида қайд этилади.

7.15. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ундан кўчирма имзолангандан кундан уч иш кунида маҳсус ахборот порталига жойлаштирилади.

7.16. Танловнинг хар қандай иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан кейин буюртмачига танлов натижаларини аниқлаштириш учун сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи бундай сўровни олган кунудан бошлаб уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

## **8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА МАХФИЙЛИККА РИОЯ ҚИЛИНИШИ**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қўйидагилар жавобгар бўладилар:

- ишчи орган таркибига киравчи таклифларнинг ҳисобини юритувчи, уларнинг сақланиши ва маҳфийлигини таъминловчи шахслар;
- маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган эксперталар билан тил бириктиришга йўл қўйиш, шунингдек бошқа қонунга хилоф харакатлар қилиш учун комиссия раиси ва аъзолари, ҳамда, таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гурух аъзолари,;
- танлов голиби, шартнома бўйича мажбуриятларини (микдорий, сифат ва техник кўрсатгичлар бўйича) бажармаган шахс Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига ва/ёки тузилган шартнома шартларига мувофиқ жавобгар бўлади

## **9. БОШҚА ШАРТЛАР**

9.1. Агар танлашда аввал Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўрсатилмаган хизмат тақиғ қилинаётган бўлса, Харид комиссияси танлаш иштирокчисидан илгари кўрсатилган хизматлар бўйича учинчи шахслардан фикр-мулоҳазаларни сўрашга ҳақли.

9.2. Танлашда иштирок этиши истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлаш бўйича тушунтириш олиш учун Буюртмачи билан боғланиш хукуқига эга.

9.3. Танлаш иштирокчиси танлаш бўйича харид қилиш хужжатларидағи талабларни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси сўров тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан ушбу сўровга очиқ электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт. Танлаш бўйича харид қилиш хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

9.4. Танлаш қуидаги ҳолларда харид комиссияси томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

- танлашда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса;
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, харид комиссияси барча таклифларни харид қилиш хужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли рад этган бўлса.

9.5. Буюртмачи голиб бўлган таклифни қабул қилишдан олдин исталган вақтда танлашни бекор қилиш хукуқига эга. Танлаш бекор қилинган тақдирда, буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини маҳсус ахборот порталда эълон қиласи.

## **10. ШАРТНОМА ТУЗИШ**

10.1. Танлаш натижаларига кўра, шартнома харид қилиш хужжатларида кўрсатилган шартнома шартлари асосида тузилади.

10.2. Танлов бўйича харид комиссиясининг қарори билан танлов голиби деб эълон қилинган танлов иштирокчиси буюртмачидан тегишли ёзма хабар олади.

10.3. Агар танлаш голиби танлаш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш хукуқи захира ижрочига ўтади. Бундай ҳолда, захира ижрочи танлаш голиби томонидан таклиф қилинган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

**Иштирокчиларни малакасини баҳолаш тартиби ва мезонлари ва танлов таклифлари**

**Танлаш иштирокчиларини баҳолаш мезонлари**

№	Мезонлар		Категория оғирлиги %	Категория оғирлиги %
<b>1.</b>	<b>Техник баҳолаш</b>		<b>70%</b>	<b>100%</b>
	1.1	Иштирокчи ҳақида умумий маълумот; <i>(Иштирокчи юридик манзили, банк реквизитлари, асосий фаолият тури, таъсисчилар ва Бенефициарлар тўғрисида (таъсисчилар ва бенефициарларнинг тўлиқ номи ва СТИР), устав, корхона раҳбарининг паспорт нусхаси ҳақида маълумот бершии керак.)</i>		Максимал 15 балл
	1.2	Иштирокчининг молиявий ҳолати; <i>(Иштирокчи 2020-2021 йиллар учун йиллик Ф1 ва Ф2 молиявий ҳисоботларини тақдим этиши керак)</i>		Максимал 5 балл
	1.3	Коррупцияга қарши ариза; <i>(Иштирокчи коррупциянинг олдини олии тўғрисида ариза тақдим этиши керак).</i>		Максимал 5 балл
	1.4	Божхона қўмитасининг рухсатномаси; <i>(Иштирокчи амалдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг рухсатномасининг нусхасини тақдим этиши керак.)</i>		Максимал 15 балл
	1.5	Иш тажрибаси; <i>(Иштирокчи Ўзбекистон бозорида шунга ўхшашиларда божхона хуёжсатларини расмийлаштиришдаги тажсрибаси тўғрисида маълумот тақдим қилиши керак;)</i>		Максимал 25 балл
	1.6	Мутахассислар тўғрисида маълумот; <i>(Иштирокчи штатида доимий равишда фаолият кўрсатаётган камидаги 3 та малакали мутахассис ва уларнинг тажсрибаси тўғрисида маълумотнома, уларнинг сертификатлари тақдим қилиши керак)</i>		Максимал 25 балл
	1.7	Тавсифнома; <i>(Иштирокчи камидаги 2 та аввалги буюртмачилардан тавсифнома тақдим қилиши керак)</i>		Максимал 10 балл
<b>2.</b>	<b>Нархларни баҳолаш</b>		<b>30%</b>	<b>100%</b>

**Эслатма:** тақлиф электрон шаклда тақдим этилади, асл ҳуёжсатдан сканерланади, иштирокчининг имзоси ва муҳри билан рангли форматда (танлов голиби шартнома билан асл ҳуёжсатларни олиб келиши керак)

## **2. НАРХ ҚИСМИ**

1	Нархи	<b>7 069 389 667 (Етти миллиард олтмиш тўқиз миллион уч юз саксон тўқиз минг олти юз олтмиш етти) сўм ҚҚС билан</b>
2	Молиялаштириш манбай	“Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг ўз маблағлари
3	Тўлов валютаси	Сўм, Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси
4	Тўлов шартлари	Олдиндан тўлов – 15% Якуний тўлов – 85%
5	Танлаш таклифини амал қилиш муддати	30 кун
6	Закалат миқдори	Танлашнинг бошланғич нархининг умумий суммаси 1%

Бошқарув раисининг ўринбосари

А.Т. Джураев

Бошқарув раисининг ўринбосари

Ф. Шаисматов

Юридик бўлим бошлиги

М. Насиров

БЭШРЭК бўлими бошлиги

Б.Нишонходжаев

Бош ҳисобчи

А. Ахмаджонов

БГИЭК бўлими бошлиғи

Н. Юсупов

АКТБ бошлиғи

Б. Нишанбаев

ХТ офиси бошлиғи

М. Сабиров